

УЎТ:633.51/.11:631.811.98

ЃЎЗАГА ҲОСИЛДОР СТИМУЛЯТОРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Таджиев Карим Марданакулович

Қ.х.ф.номзоди, катта илмий ходим

Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти

Ер юзида глобал иқлимнинг ўзгариши, сув танқислиги ва қурғоқчилик бўлган шароитларда кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларнинг аҳамияти юқори. Уруғларга физиологик фаол моддалар билан ишлов берилган ниҳолларни униб чиқиши жадаллашиб, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши яхшиланиб, қурғоқчиликка, шўрланишга, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ошиб, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга замин яратилади. Ѓўзанинг ташқи муҳит таъсирларига чидамлилигини ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Ѓўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда турли стимуляторларни қўллаш бўйича олимларимиз илмий изланиш олиб бориб ижобий натижаларга эришганлар.

Ш.Абдуалимов, Ш.Каримов [4; 256-259 -б.] ларнинг тажрибаларида Фитовак, Натрий гумат ва Оберегъ стимуляторлари ниҳолларнинг униб чиқишини жадаллаштириб, ғўзанинг бўйи 7,5-9,1 смга баланд, ҳосил шоҳлари 1,0-1,7 донага, кўсақлар сони 2,1-2,6 донага ортиб, 4,4-5,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилган.

Ш.Абдуалимов [3; 113-116 -б.] тажрибаларида Тошкент ва Жиззах вилоятлари шароитида Узгуми стимулятори билан чигитга экиш олдидан 0,7-0,8 л/т меъёрларда ишлов берилганда ғўза ниҳолларининг униб чиқиши жадаллашиб 1-2 кунга эртаки бўлган.

Ш.Абдуалимов [1; 286-290 -б.] тадқиқотларида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида тукли чигитларга Витавакс 200 ФФ 5,0 л/т меъёрда ишлов берилиб чигит экиш меъёрини тавсиялардаги 60 кг/гадан 30 кг/га камайтириб экилганда ғўзани мақбул даражада ўсиб ривожланишини таъминлаб, уруғликни 50 % тежаш имконини берган, пахтадан 1,7 ц/га юқори ҳосил етиштирилган.

Ш.Абдуалимов, Қ.Давронов, Ш.Каримов [2; 316-319 -б.] ларнинг изланишларида, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг истикболли Денов нави чигитига экиш олдин Ростбисол стимулятори

билан 135 мл/т меъёрда ишлов берилиб, гектарига 45-50 кг экилганда юқори ҳосил олишган.

Тадқиқотларни ўтказиш услублари

Тажрибада кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ЎзПИТИ услубий қўлланмаси [5; Б-147] асосида олиб борилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичларига Б.А.Доспехов [6; б-248-256] услубига мувофиқ математик ишлов берилди.

Шунингдек, «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» [7; Б. 102] дан фойдаланилди.

Дала тажрибалари бўлинмалари тўрт қаторли бўлиб, шундан 2 қаторида ҳисоблаш ишлари олиб борилди, иккита четкиси эса химоя қаторлари ҳисобланди. Ғўза қатор ораси 90 см ли бўлиб, ҳар бир бўлинма майдони 36 м², бўйи 10 м ни ташкил этди. Чигит қўлда ҳар 10 смга уялаб 4 донадан (90 x 10 -4) экилди. Тажриба учун ғўзанинг Бухоро-102 нави танланди.

Тадқиқот натижалари

Тажрибада ниҳолларни униб чиқишига стимуляторлар билан ишлов беришнинг таъсири аниқланди. Дорианмай экилган вариантда экилган чигитларнинг 68,9 фоизи униб чиққан бўлса, Узгуми стимулятори билан чигитга 0,7 л/т меъёрида ишлов берилганда 79,8 фоиз, Ҳосилдор стимуляторида 0,4; 0,5; 0,6 л/т меъёрларида ишлов берилганда 80,9 фоиз ниҳоллар униб чиқди.

Бунда назоратга нисбатан Узгуми стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,7 л/т меъёрида ишлов берилганда 10,9 фоиз, Ҳосилдор стимулятори билан 0,4; 0,5; 0,6 л/т меъёрларида ишлов берилиб экилганда вариантларга мос ҳолда 12,0; 12,2; 11,4 фоизга кўп ниҳоллар униб чиққанлиги аниқланди.

Тажрибада чигитга экишдан олдида ва ўсимликнинг шоналаш, ҳамда гуллаш давларида стимуляторлар билан ишлов беришнинг пахта ҳосилига таъсири аниқланди (жадвал).

Назорат вариантда умумий пахта ҳосили 30,5 ц/га, Узгуми стимулятори билан чигит экишдан олдин 0,7 л/т, шоналашда 0,3 л/га ва гуллашда 0,4 л/га меъёрда қўлланганда пахта ҳосили 33,3 ц/га, Ҳосилдор стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,4; 0,5 ва 0,6 л/т меъёрларда ишлов берилганда пахта ҳосили 32,4; 31,9; 33,3 ц/га, Ҳосилдор стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,4; 0,5 ва 0,6 л/т, шоналашда 0,4 л/га ва гуллашда 0,6 л/га меъёрларда қўлланганда пахта ҳосили 33,3; 33,6 ва 33,3 ц/га ташкил қилди.

Бунда, назоратга нисбатан Узгуми стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,7 л/т, шоналашда 0,3 л/га ва гуллашда 0,4 л/га меъёрда қўлланганда 2,8 ц/га, Ҳосилдор стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,4; 0,5 ва 0,6 л/т меъёрларда ишлов берилганда 1,9; 1,5; 2,8 ц/га, Ҳосилдор стимулятори билан чигитга экишдан олдин 0,4; 0,5; 0,6 л/т, шоналашда 0,4 л/га ва гуллашда 0,6 л/га

меъёрларда қўлланганда 2,8; 3,1; 2,8 ц/га кўп пахта ҳосили етиштирилганлиги аниқланди.

жадвал

Ғўзага стимуляторлар билан ишлов беришнинг пахта ҳосилига таъсири

№	Тажриба вариантлари	Чигитга экишдан олдин ишлов бериш, л/т	Ғўза вегетацияси даврида ишлов бериш, л/га		Ўртача пахта ҳосили, ц/га	Назоратдан фарқи, +-
			шоналаш даврида	гуллаш даврида		
1	Назорат	-	-	-	30,5	-
2	Узгуми	0,7	0,3	0,4	33,3	2,8
3	Ҳосилдор	0,4	-	-	32,4	1,9
4	Ҳосилдор	0,4	0,4	0,6	33,3	2,8
5	Ҳосилдор	0,5	-	-	31,9	1,4
6	Ҳосилдор	0,5	0,4	0,6	33,6	3,1
7	Ҳосилдор	0,6	-	-	33,3	2,8
8	Ҳосилдор	0,6	0,4	0,6	33,3	2,8

$HCp_{05} = 1,08$ ц/га

$Sx = 3,29$ %

Хулоса қилиш мумкинки, чигитга экишдан олдин Ҳосилдор стимулятори билан турли муддат ва меъёрларда ишлов берилганда ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилган ҳолда чигитга экишдан олдин Ҳосилдор стимулятори билан 0,5 л/т, шоналашда 0,4 л/га ва гуллашда 0,6 л/га меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларни униб чиқиши жадаллашиб, ўсиши ва ривожланиши яхшиланган, 3,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуалимов Ш.Ҳ. Биостимуляторлар билан ишлов бериб, чигит экиш меъёрини камайтириш. // Фермер хўжалиқларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Халқаро конференция мақолалар тўплами. ЎзПТИ. -Тошкент, 2006. -Б. 286-290.

2. Абдуалимов Ш.Х., Давронов Қ., Каримов Ш. Денов нави чигитига стимуляторлар билан ишлов бериш ва унинг мақбул экиш меъёри // Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар. Халқаро конференция мақолалар тўплами. ЎзПТИ. -Тошкент, 2008. -Б. 316-319.

3. Абдуалимов Ш. Узгуми стимуляторининг чигит унувчанлигига таъсири // Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlash

агротехнологияларини такомиллаштириш. ЎзПИТИ мақолалар тўплами. – Тошкент, 2013. -Б. 113-116.

4. Абдуалимов Ш.Х., Каримов Ш. Ғўза парваришида янги стимуляторларининг самараси //Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари. ПСУЕАИТИ мақолалар тўплами II-қисм. -Тошкент, 2014. -Б. 256-259.

5. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. -Тошкент, 2007. -Б 147

6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 5-ое изд. доп. и перераб. Москва. Агропромиздат, 1985. с 248-256.

7. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. -Т.: 1994, -Б 102.